

## Номдор давлат стипендиялари совриндорларига гувоҳномалар топширилди

Институтда иқтидорли талабаларни фаолиятини рағбатлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш ишлари доимий амалга оширилиб келинмоқда. Шундай тизимли чора-тадбирлар натижаси сифатида 2019 йилда Республика босқичида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси, Беруний ҳамда Навоий Давлат стипендиялари танловларининг 2-босқичида қўйидаги натижаларга эришилди:

1. “Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш” мутахассислиги 1-босқич магистранти Ҳафизов Бунёджон Зайниддин ўғли – Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси соҳиби (илмий раҳбар: и.ф.н., доц. У.Сангирова).
2. Гидромелиоратив ишларни механизациялаш факультети, “Сув хўжалиги мелиорация ишларини механизациялаш” таълим йўналиши 4-босқич 6-гурух талабаси Бурхонова Муниса Мамуржон қизи – Беруний Давлат стипендияси соҳибаси (илмий раҳбар: қ.х.ф.д. Б.Матякубов).
3. Сув хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш факультетини, “Менежмент” (сув хўжалигига) таълим йўналиши 4-босқич 2-гурух талабаси Рустамова Мафтұна Рустам қизи – Навоий Давлат стипендияси соҳибаси (илмий раҳбар: катта ўқитувчи Х.Хўжамқурова).

Ушбу талабаларга Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлигининг маҳсус гувоҳномалари институт ректори, профессор Умурзаков Ўкташ Пардаевич томонидан тантанали топширилди. Ректоримиз совриндор талабалар ва ушбу ютуқقا хисса қўшган барча профессор-ўқитувчиларни самимий табриклаб, замон талабидан келиб чиқиб бундай юқори савиядаги танловларга муносиб номзодларни тайёрлаш ишларида институтнинг барча бўлимлари ва маъсул ходимлар биргаликда ишлашлари лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Номдор давлат стипендиялари танловларида иштирок этиш мақсадидаги талабаларни қизиқтирган саволлар танлов шартлари, босқичлари ва хужжатлар тайёрлаш тартиби билан иқтидорли талабаларнинг илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш бўлимида таништириб борилади.



ТИҚҲММИ матбуот хизмати